



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “9 ” март

Қ-346 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “Rouf-baraka-bog‘i” боғдорчиликка
ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Мусурмонкулов Ўктам бошлиқ “Rouf-baraka-bog‘i” боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча “Ўзбекистон” массиви худудидан хўжалик харитасининг 370қ, 359қ, 367қ, 368қ, 355қ, 372қ-дала контурида жойлашган жами 40,0 гектар, шундан 40,0 гектар яйлов ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Бундан кейин “Rouf-baraka-bog‘i” боғдорчиликка ихтисослашган фермер Ўзбекистон массиви “Чукирли” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасида 355қ, 359қ, 367қ, 368қ, 370қ, 372қ-дала контурларда жойлашган жами 50,30 гектар, шундан 49,41 гектар яйлов, 0,50 гектар сойлик, 0,39 гектар йўл ер майдони этиб белгилансин.

4. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер балансига ўзгартириш киритиш ҳамда “Rouf-baraka-bog‘i” боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.


5. Туман ҳокимлиги девонхона мудир (Ш.Чориев)га “Rouf-barakabog’i” боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров





Қумқўрғон туман хокими
Р.Гаппаровга

Қумқўрғон туман “Чўкирли”
махалласида жойлашган “Рауф
барака боғи ” фермер хўжалиги
рахбари Мусурмонқулов Ўктам
Хўшбоқович томонидан



АРИЗА

Ёзаман ушбу аризани шу ҳақдаким, мен 2020 йил октябр ойида ташкил этилган “Рауф барака боғи ” фермер хўжалиги рахбари Мусурмонқулов Ўктам Хўшбоқович қишлоқ хўжалиги соҳасида 25 йилдан буён фаолият юритиб келмакдан. Ушбу фермер хўжалигининг сув йўли ҳамда томчилатиб суғориш йўли билан интенсив боғ ташкил этиш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида туман хокимлиги захирасидаги яйлов ер майдонидан 9 лойихадаги 370қ, 359қ, 367қ, 368қ, 355қ, 372қ контурларда жойлашган жами 40 гектар эр майдонларини фермер хўжалигимизга қўшиб олишимизда амалий ёрдам беришингизни илтимос қилиб сўраймиз

“Рауф барака боғи ” ф/х рахбари
Мусурмонқулов Ўктам Хўшбоқович



Сана 27.02.2021 йил



Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2021 йил 01 март

Қумқўрғон тумани

№ 154

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туманидаги “Роуф барака боғи” фермер хўжалигига қўшимча ер ажратишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида

ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, “Роуф барака боғи” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

Талабгор сўраётган ер майдони тендер танловга қўйилганлиги, фермер хўжалигининг техникаси, ишчи кучи ва тажрибаси борлиги, аниқ иқтисодий бизнес режаси борлиги ҳамда Кенгаш аъзоларининг фикрларидан келиб чиқиб келгусида иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш мақсадида ариза юзасидан ижобий хулоса бериш лозим деб топилсин.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон туманидаги “Роуф барака боғи” фермер хўжалигига Ўзбекистон ҳудудидан боғдорчилик учун қўшимча ер майдонлари (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси:

284/01-20
27.02.2021 й

А.Самадов